Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 29 март, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 25 (6921)

Da'vat

Жон қулоғинг бирла
Тингла, эй ўғул,
Аҳли ҳикмат сўзларин
Қилғил қабул.
Гар насиҳатга қулоқ
Осмас эсанг,
Бўлгунг албатта алам,
Ҳасратга қул.

АЛМАИЙ.

Ibrat

Яқинда Яккабоғ туманидаги 19-ўрта мактаб қошида кичик корхона ташкил этилди. Унда эшик, дераза, бешик ва бошқа уй-рўзғор анжомлари тайёрлана бошланди. Кичик корхона ишчилари мактабнинг юқори синф ўқувчиларидир.

Olimpiada-97

УСТОЗЛАРГА, ОТА-ОНАЛАРГА РАҲМАТ

Шу маънодаги тилакларни кеча халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ўрта умумтаълим мактаблари'ва ҳунар билим юртлари ўқувчиларининг IV босқич Республика олимпиадасининг очилиш маросимида билдирди. Ахир айни кундаги муҳитда ўқувчининг Республика олимпиадасигача кўтарилишида ўз ўгити билан ёрдам берган ўқитувчисига, фарзандининг билимли бўлиши учун шароит яратган ота-онага раҳмат айтмаслик мумкинми? Вилоят босқичида ғолиб чиққан ўқувчиларга эса алоҳида миннатдорчилик билдирди ва омад тилади. Якунловчи босқичнинг бугун иккинчи куни. Мусобақа давом этади. Тадбирлар эса икки кун аввал бошланганди...

25 март куни республика олимпиадаси қатнашчиларини ташкилий қўмита ҳамда ишчи гуруҳи вакиллари кутиб олдилар. Қисқача суҳбатдан сўнг улар А. Авлоний номидаги Республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти, Республика ҳунар таълими ходимлари малакасини ошириш институти ва Тошкент вилояти педагог ходимлари малакасини ошириш институти ётоқхоналарига жойлашишди. Шуни алоҳида қайд қилиш жоизки, у ерда иқтидорли ўқувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улар бироз нафас ростлашганларидан сўнг Темурийлар тарихи Давлат музейи ва Узбекистон тарихи Давлат музейларида бўлишиб, авлодлар мероси, қад-

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: олимпиада қатнашчилари Амир Темур бобомизни ёд этдилар.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

JUMLADA JAHON

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Покистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Али Шайхни қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲ давлатлари раҳбарларининг Москвада бўлиб ўтган учрашувида иштирок этди. Унда Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ўртасидаги интеграция, қўшни Тожикистон ҳамда Кавказортидаги вазият, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ бир қанча масалалар муҳокама этилди.

● Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 февралдаги 116-сон қарори 5-бандига мувофиқ ҳамда вазирликлар, идоралар, ҳокимликларнинг ва бозор инфраструктураси институтларининг Республикада кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилаш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши чиқди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Республиканинг иқтисодий ночор ва истиқболсиз корхоналарини ихтисослаштиришни такомиллаштириш соҳасини ўзгартириш ёки тугатиш бўйича таклифларни синчиклаб ўрганиш ҳамда тайёрлаш борасидаги фармойиши чиқди.

● АҚШ вице-президенти Алберт Горнинг Хитойга ташрифи давомида умумий қиймати 2 миллиард долларга тенг бўлган иқтисодий ҳамкорлик битимлари имзоланди. Улар Хитойга «Боинг» самолётларини сотиш ҳамда Шанхайда автомобиль эҳтиёт қисмларини чиқарувчи корхона қуришга қаратилган.

● Монголияда мамлакат президенти сайловларига номзодлар белгилаш ниҳоялаб, мавжуд тўрт сиёсий партия ўз номзодларини кўрсатишди. Миллий демократик ва социал демократик партиялар коалицияси томонидан бу лавозимга ҳозирги давлат раҳбари Пунсалмагийн Очирбат номзоди тақдим этилди.

Xorijda maktabgacha tarbiya

ТАЖРИБА АЛМАШИШ ҲАМ МАЛАКАНИ ОШИРАДИ

Яқинда мамлакатимизнинг бир гуруҳ мактабгача тарбия муассасалари ходимлари Россия Федерациясида бўлишиб, ўзаро тажриба алмашиб келишди.

Ушбу гуруҳ бошлиғи Мактабгача тарбия ходимлари малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курси раҳбари М. Солиҳова сафар таассуротларини мухбиримизга сўзлаб берди.

— Манзура опа, хизмат сафаридан кўзланган асосий мақсад нима эди?

— Мактабгача тарбия муассасалари ходимлари малакасини оширишга ҳозирги даврда юксак талаблар қўйилмоқда. Бизни малака оширишни мактабгача тарбия муассасалари ходимларининг доимий эҳтиёжига айлантириш масаласи қизиқтириб келади. Тингловчиларнинг курсларга келиб, мутахассислар маърузаларини тинглаб қайтишгач, ташаббускорлик, ижодкорлик ва изланувчанлик билан фаолият кўрсатишларига қандай қилиб эришиш мумкин? Шу каби қатор саволлар бизни доимо ўйлантириб келади. Албатта, аввало, ўзимиздаги илғор тажрибаларни, ташаббусларни ўргандик ва таҳлил қилдик. Лекин бу масалалар хорижий ва ҳамдўстлик мамлакатларида қандай ҳал қилинмоқда? Улардан қайси борада биз ўрганишимиз ёки қайси борада оқсоқлик тажрибамиз билан ўртоқлашишимиз мумкин? Бир сўз билан айтганда, тарбиячилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш соҳасидаги изланишлар, ишимизни қиёслаш, ўзаро тажриба алмашиш иштиёқи ва албатта, Халқ таълими вазирлиги раҳбариятининг бизни қўллаб-қувватлашлари сабаб Россияда бўлиб қайтдик.

— Сафар чоғида қайси таълим муассасаларида бўлдингиз, уларда қандай қизиқарли, ўрганса арзийдиган тажрибалар ва янгиликларни кўрдингиз?

— Албатта, олдимизга қўйилган мақсадлар анчагина, вақтимиз эса қисқа эди. Лекин шунга қарамасдан бизнинг Россия таълим муассасаларига ташрифимиз самарали бўлди, деб хулоса чиқаришга тўла асослар бор.

Биз педагогик ходимлар малакасини ошириш Республика марказий институтида, педагоглар малакасини ошириш Ярославский институтида бўлдик. Диққатга сазовор тажрибалардан бири малака ошириш муассасаларининг бюджет маблағидан ташқари, янги педагогик технологиялар, дастурлар, ўқув қўлланмаларини назарий методик масалалари бўйича мактабгача тарбия ходимлари учун пул тўлаб ўқитиладиган курслари ташкил этиш амалиётда кенг қўлланилаётганлиги экан. Одатда бундай курслар дастури 3-5 кунга мўлжалланган. Яна битта диққатга сазовор масала — педагог ходимлар малакасини ошириш билан уларни аттестациядан ўтказиш ўртасида узвий алоқалар йўлга қўйилган. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, мактабгача тарбия муассасасининг тарбиячиси бир вақтнинг ўзида малака оширади, аттестациядан ўтказилади, шу асосда уларнинг мутахассис сифатидаги тоифаси ҳам белгиланади.

Малака ошириш жараёнида тарбиячиларнинг амалий фаолиятларини ўрганиш, уни таҳлил этишга етарли вақт ажратилган. Натижада бир тажриба тезкорлик билан оммалаштирилади. Бу ўқув муассасаларида кундузги-сиртқи мувофиқлаштирилган шакллар кенг амалга оширилади.

— Малака ошириш муассасаларидан ташқари таълим-тарбия масканларида ҳам бўлдингизми?

(Давоми 3-бетда).

БОЛАЛИКНИНГ БЕТАКРОР БАЙРАМИ 2-БЕТ.

СТУДИЯНИНГ ИБРАТЛИ ИЗЛАНИШЛАРИ 3-БЕТ.

«МАЪРИФАТ» ҚУШИҚЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИ 4-БЕТ.

Tashabbus

«АРЗОНЛАБ БАДАЛ АҚЧАСИ, ЖОНЛАНДИ ТУМАН БОҒЧАСИ...»

Ҳозирги бозор иқтисодига ўтиш шароитида болажонларни боғчаларга жалб қилиш осон кечмаётгани, бадал пуллари «чақиб» олгудай даражада эканини ота-оналар яхши билишади. Бундай ҳолат ўз навбатида боғчалар фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётгани сир эмас, албатта.

Амударё туман халқ таълими бўлими (мудири Турсунбой Абдуллаев) ана шу вазиятни ҳисобга олиб хайрли ташаббусга қўл урди. Жорий йилнинг март ойидан бошлаб туман тасарруфидаги 11 та болалар боғчасида бир бола учун тўланадиган бадал пули камайтирилиб, ойига 150 сўм миқдорида белгилаб қўйилди.

Ушбу ташаббус шарофати билан кичкинтойлар масканлари фаолияти анча жонланиб кетди, чунки ўз дилбандларини боғчаларга топширишни истаб ариза ёзаётган ота-оналар сони тобора кўпаймоқда.

Хурсанд бўлган ота-оналар номидан қуйидаги сатрлар битилди:

Арзонлаб бадал ақчаси,
Жонланди туман боғчаси.
Қанийди шундай йўл тутса,
Ҳокимларнинг барчаси!

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

Psixolog maslahatlari

СЎРАНГ, ТАКЛИФ ҚИЛИНГ

Ҳозир баъзиларда ғалати бир кайфият пайдо бўлди. Улар жуда кўп муаммоларнинг, қийинчиликларнинг туб илдизларини иқтисоддан излашади. Мавжуд қусурларга дарров моддий камчиликларни рўкач қилишади. Бироқ масалага бундай бир ёқлама ёндашиш ҳеч қачон ечим бермайди. Муаммоларни руҳий-психологик жиҳатдан ҳам таҳлил этиш зарур. Шу боис ҳам газетамизда **«Психолог маслаҳатлари»** деб номланган янги рукн очдик! Ўйлаймизки, бу азиз муштарийларни бефарқ қолдирмайди. Улар ўзларини қизиқтирган саволлар ва таклифлар билан таҳририятимизга мурожаат қилишади.

Бугун биз муштарийларимиздан йиғилиб қолган саволларга жавоб беришни психология фанлари номзоди, доцент **Зироат ЁҚУБОВА**дан илтимос қилдик.

1. БОЛАДА ЎҚИШГА НИСБАТАН ҚИЗИҚИШНИНГ ПАСАЙИШИ САБАБЛАРИ НИМАДА?

Мактабнинг биринчи синфига ўқишга келган соғлом 7 ёшли болаларда улар учун янги фаолият — ўқув фаолиятига қизиқиш (ўқув мотивацияси) кучли бўлиб, бошланғич синфларнинг охирида бу қизиқишнинг анча пасайиши кузатилади. Афсуски, бу жараён ўрта мактабнинг кейинги босқичларида ҳам давом этади. Бунинг асосий сабаблари, бир томондан, ўқув фаолиятининг бола учун уз янгилигини йўқотиши бўлса, иккинчи томондан, ўқув жараёнида йўл қўйиладиган бир қатор хатоликлар бўлиши мумкин. Масалан, ўқув дастурининг муайян ўқувчи учун ҳаддан зиёд мураккаблиги ёки жуда енгиллиги, ўқув дарслиги ёки қўлланмасининг бола учун қизиқарли ва тушунарли тузилмаганлиги, ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги муносабатларнинг бузилиши, дарс жараёнининг ўқувчи учун зерикарли ташкил этилиши, ўқув жараёнининг ахборот жиҳатидан қашшоқлиги... Шуни унутмаслик керакки, боланинг билим олишга бўлган қизиқиши, иштиёқи, тарбия жараёнида шакллантириб борилади. Бу жараёнда нафақат ўқитувчи, балки боланинг ота-онаси ҳам иштирок этиши лозим. Чунки билим олишга бўлган эҳтиёж одамнинг маънавий эҳтиёжларидан асосийси ҳисобланиб, бу ёхтиёжнинг иложи борича тўлиқ қондирилишини маънавий баркамол шахснинг шаклланишини таъминлайди.

2. БОЛА ТАРБИЯСИДАГИ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИНГ САБАБИ НИМАДА?

Кўпинча, ота-оналар ва ўқитувчиларнинг бола тарбиясида қийинчиликларга дуч келиши бола ривожланишининг маълум бир даврларига тўғри келади. Болалар психологиясида бу даврларни «инқирозли ёш» деб аталади. Физиологик ёш жиҳатдан бу даврлар боланинг 3 ёш, 7 ёш, 12-15 ёшларига тўғри келади. Ўқитувчилар ва ота-оналарни бола билан бўлган муносабатларининг мураккаблашуви, бола тарбиясидаги қийинчиликлар, боланинг хулқ-атворидаги кескин ўзгаришлар аксарият шу даврларда намоён бўлади. Психологик қонуниятлар нуқтаи назаридан, ҳар бир «инқироз»нинг уз сабаби бор: 3 ёшли болада хатти-ҳаракатларда мустақилликка бўлган интилиш, 7 ёшли бола учун бутунлай янги бўлган «ўқувчи» ижтимоий мақоми (статуси)ни эгаллаш ва бу билан боғлиқ ўзгаришлар, 12-15 ёшда эса боланинг жинсий етилиш даврини бошидан кечириши ва шу билан боғлиқ гормонал ўзгаришлар юқорида қайд этилган қийинчиликларни туғдиради. Агар ота-оналар, тарбиячи ва ўқитувчилар бола билан бўлган муносабатларда кўрсатилган сабабларни доимо ҳисобга олиб иш тутишса, бола учун бу «инқирозли» даврлар нисбатан енгил ва асоратсиз кечади. Акс ҳолда, бола тарбиясидаги қийинчиликлар янада мураккаблашиб, кескинлашиб бориши мумкин.

3. БОЛАНИНГ ЎҚИТУВЧИСИГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИ НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?

Ўқувчининг ўқитувчига бўлган муносабати ҳар қандай ижтимоий муносабатлар сингари ўзгарувчан бўлиб, маълум психологик қонуниятларга бўйсунади. Яъни бола ёш жиҳатдан улғайган сайин уз ўқитувчисига бўлган муносабатини ҳам ўзгартириб боради. Агар боланинг мактабда ўқиш даврини шартли равишда учга бўлиб, кичик, ўрта ва катта мактаб ёши деб атасак, бу ёш даврларида ўқувчининг ўқитувчисига бўлган муносабати қуйидагича ўзгаради. Кичик мактаб (бошланғич синф) ўқувчилари учун ҳар қандай ўқитувчи жуда катта ҳурматга эга; ўқувчи билан ўқитувчи орасидаги муносабатларда кичик мактаб ёши «олтин даврр» ҳисобланади. Мактабнинг ўрта синфларида уз фанининг ҳақиқий билимдони бўлган, ўқувчиларни фанига қизиқтира олган ўқитувчига ўқувчилар алоҳида ҳурмат билан муносабатда бўладилар; бу ёшда ўқувчилар томонидан ўқитувчининг касбий маҳорати юқори баҳоланади. Аммо юқори синф ўқувчилари орасида ҳурматга сазовор бўлиш учун ўқитувчининг касбий маҳорати ва дунёқарашининг кенглиги камлик қилади; бу ёшда ўқитувчининг мавқеини белгиловчи омиллар — унинг шахсий сифатлари ҳамда маънавий савияси ҳисобланади.

O'tkir burchak



— Бугун билмаганларга ҳам «5» баҳо қўяман, қўрқмай жавоб беришга чиқаверинглар!

Зокир УСМОНОВ чизган сурат.

ОБУНА ДАВОМ ЭТАДИ

Азизлар! Баҳоли қудрат сизнинг сермашаққат меҳнатингизда дастёр бўлишни, дам олиш чоғингизда бироз бўлса-да кўнглингизга хуш кайфият олиб киришни мақсад қилиб келаётган «Маърифат» газетасига обуна давом этмоқда.

Индексимиз:

Якка тартибда обуна бўлувчилар учун — 64595

Корхона ва ташкилотлар учун — 64683

Доимо бирга бўлайлик!

МММ — ХАБАРЛАРИ

БАЛЛИ, ШУНҚОРЛАР!

Чортоқ туманида қизғин ўтаётган ёшларнинг ҳарбий спорт ўйинлари «Балли, шунқорлар!» деб номланган. Юқори синф ўқувчилари ушбу мусобақаларда ўзларининг жисмоний тайёргарликлари, сиёсий билимларини, ҳарбий машқлар бўйича маҳоратларини намойиш қилмоқдалар. Мусобақаларда тумандаги 18, 22, 24, 31-мактабларнинг ўқувчилари пешқадамлик қилишяпти. Беллашувга туман «Камолот» жамғармаси ва қатор ташкилотлар ҳомийлик қилишаётир.

ТИЛ БИЛГАН ДИЛ БИЛАДИ

Тилни эл бойлиги деб бежиз айтишмаган. Шу боисдан Яккабоғ туманидаги Ойбек номидаги ўрта мактабда «Тил ва сўз санъати» мавзусида илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

Йиғилишда мактабнинг илғор ўқитувчиси М. Алимова «Тил ва сўз санъати одоби» мавзуида маъруза қилди. Сўнгра сўзга чиққанлар ҳам тил ва сўзнинг нақадар қудратли куч эканлигини эътироф этишди.

Йиғилиш ниҳоясида сўз улуғлигини ўзида акс эттирувчи мақол, ривоят ва саҳна кўринишлари ўқувчилар томонидан ижро қилинди.

САНЪАТГА МОНАНД ДИЛЛАР

Нукус шаҳридаги 1-санъат мактаби биносида Қорақалпоғистон Республикаси ёш истеъдодлари кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда болалар музика ва санъат мактабларидан 20 дан ортиқ ўқувчи қатнашди.

Торли чолғулар, пуфлаб чалинадиган асбоблар бўйича ғолиблар аниқланиб, ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Шу билан бирга улар Тошкент шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги кўрик-танловда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

МУАЛЛИФЛАР: Ў. МЎМИНОВ, Ж. АБДУСАЛОМОВ, Ғ. ЁҚУБОВ.

Respublika iqtidorli bolalar VI slyoti

БОЛАЛИКНИНГ БЕТАКРОР БАЙРАМИ

Ҳаётда инсонга кўп нарса керак эмас. Яшаш учун кулбаси, қўлида кичкинагина ҳунари бўлса, тирикчилиги бинойидай ўтаверади. Лекин ўша ҳунар ёхуд касб-кор деган нарса шунақанги бир иноят эканки, худо уни фақат меҳнатни дўст билган бандаларигагина раво кўраркан. Албатта, қайсидир бир ҳунарни сал-пал ўзлаштириб олиб, қўл қовуштириб қўя қолиш билан ҳам иш битмайди. Чунки ҳар бир касбнинг ёки оддий битта ҳунарнинг-да энг юқори нуқталари, бадиийроқ қилиб айтганда, чўққилари бўлади. Шу юксакликни буткул забт эта олиш учун эса инсон учун аввало иқтидор керак.

Яқинда Тошкент шаҳридаги Республика ёш ўлкашунослар марказида Ўзбекистондаги иқтидорли ўқувчиларнинг анъанавий VI слёти бўлиб ўтди. Аслида, бу тадбир ҳар йили ўтказилади. Чунки мактабларимизда ёш авлодга билим бераётган муаллимларимиз изланувчан, ўқувчиларимиз яратувчан. Вилоятларда, туманларда бир дунё кашфиёт яратиш имконига эга бўлган ёшларнинг иқтидорини қўллаб-қувватлаш эса катталарнинг доимий вазифасига айланмоғи керак.

Хуллас, қалбларида олам-олам ҳавас ва ҳаяжон туйган билимдон ўқувчиларимиз 26 март куни Республика ўқувчилар саройига йиғилишди. Слётни халқ таълими вазири ўринбосари Йўлдош Саиджонов кириш сўзи билан очди.

Тўғрисини айтайлик. Бу тадбирнинг навбатдаги очилиш маросими ҳам бошқа баъзи йиғилишларимизга ўхшаб шунчаки расмий ҳолат касб этгани йўқ. Бу ердаги айтилган ҳар бир сўз юракнинг туб-тубидан отилиб чиқаётган қайноқ тилаклар эди. Қолаверса, ўқувчилар, ҳали бир-бирини яхши билмаган йигит-қизлар шу куни танишиб олишди, дилдан суҳбат қуришди. Кейинроқ Тошкентдаги Амир Темур майдони, Темурийлар тарихи Давлат музейини томоша қилишди.

Ўша куни иқтидорли болалар ижодий кўргазмаси ҳам биратўла ташкил этилди. Ҳамма-ҳаммамиз бу сеҳрли дунё тилсимотларини, албатта, маза қилиб томоша айладик. Кўпчилик ўқувчиларнинг ишлари эса қойил қолгудек. Қаранг, Бухоро вилояти Бухоро туманидаги 23-ўрта мактаб ўқувчиси Юлдуз Неъматова, Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 9-ўрта мактаб ўқувчиси Феруза Фаттоевалар миллий каштачилигимизнинг ажойиб, беназир усулларини, бу борада янгича талқинлар ўйлаб топишибди. Ёғочга ўйиб ишланган Давлат рамзлари, турли рўзғорбоп жиҳозларнинг муаллифи, шаҳрисабзлик Жамшид Раҳмонов эса ўймакорлик, наққошлик бобида бетакрор мутахассис экан. Наманган вилояти Косонсой туманидаги 28-мактаб ўқувчиси Муслима Каримова ўз тумани тарихини чуқур ўрганибди. Лекин биз шу ўринда бир нарсани эътироф этгимиз келади. Яъни, ана шу ажойиб қобилият, истеъдод эгалари бўлмиш болаларимиз вақти келиб ўзлари ҳозирданоқ танлаб улгурган мутахассисликлар бўйича олий ўқув юртларига кириб ўқишар, билимларини мустаҳкамлашар. Бироқ тақдир тақозоси билан мабодо олий маълумот ололмай қолишса ҳам биз улардан сира ўксинмасликларини тилардик. Негаки, барибир қўлларида гулдай ҳунарлари бор. Ҳунарли эса ҳеч қачон хор бўлмаган. Ҳеч бўлмаганда ўша қизларимиз, албатта, обрўли, азиз уй бекалари, ўғиллар ўз номларига муносиб битта рўзғорнинг эгаси бўлишлари аниқдир.

Кўргазмалар намойишидан сўнг слёт қатнашчилари танланган ихтисосликлар бўйича турли шўъбаларга бўлиниб, ўз кашфиётларини етук мутахассислар олдида ҳимоя қилишга ўтдилар. Шу ўринда шўъба ҳақида ҳам бир оғиз сўз айтсак. Улардаги талаблар анча юқори. Чунки, тарихчи-ўлкашунос ҳисобланган ўқувчи қўйилажак шартларга асосан ҳали ҳеч кимнинг қадами етмаган янги бир тарихни излаб топиб, уни халқ ҳукмига ҳавола этиши зарур. Бу ҳаракат маълум маънода кичик илмий иш даражасида тушунилсаям сира муболаға бўлмайди.

Шўъбалар ўз ишини тугатиб, энг яхши истеъдодлар ҳар қалай маълум бўлиб қолгач, биз баъзи иштирокчи ўқувчиларни суҳбатга тортдик.

Феруза ФАТТОЕВА — ўлкашунос:

— Мен бу слётга ҳар йили келаман. Аммо ҳеч қачон ўрин олиш ёки қандайдир мукофотга эришиш ҳақида ўйлаганман. Энг аввало, ўз қилаётган ишимдан ниҳоятда завқланаман. Шу жумладан мендан бор билим-маҳоратини аямай республика миқёсига чиқа олганимнинг сабабчиси, устозим Ҳақиқат опа Саломовадан чексиз миннатдорман. Бу слёт, умуман пойтахтимизга тушаётган йўлим мен учун катта бир байрам. Шу ерга келиб кўп дўстлар орттираман, олам-олам таассуротлар оламан.

Кейинроқ аниқ билдик. Суҳбатдошимиз ҳам бошқа кўпчилик тенгдошлари қатори энг яхши каштачи, деб топилибди. Унинг фикр-ўйлари эса назаримизда слётда иштирок этаётган барча ўқувчиларнинг дил изҳорларидек эди. Негаки, ёшлик, ўқувчилик даври ўзи шунақа. Бу даврда инсон фақат яхши ният, орзулар билан яшайди. Нимагадир зўр бериб интилади, янги-янги дўстлар излайди. Ҳаётнинг энг узун сўқмоқларидан юргиси келади.

Биз слёт давомида болаларнинг қалбларига кўпроқ қулоқ тутдик. Ҳақиқатан, уларнинг қалби нозик, жуда пок. Суҳбатлари ҳам бошқа болаларникидан буткул фарқли эканини яққол ҳис этиб турдик. Кичик дўстларимиз билан қанча суҳбат қурмайлик, бир-бирларимиздан сира айро тушгимиз келмас, тўғриси, бундан қайта-қайта ҳузур қилардик. Аммо не илож? Истаймизми-йўқми, барибир ҳар ишнинг ўз интиҳоси бор. Шу жумладан, Ўзбекистондаги иқтидорли болалар VI слётининг 300 нафардан зиёд иштирокчилари ҳам 27 март куни Республика ўқувчилар саройи залига хайрлашиш учун жам бўлишди. Бу маросимда болалар адиб Тоҳир Малик, шоир Нормурод Нарзуллаев ва яна кўплаб таниқли кишиларнинг дил изҳорларини тинглашди. Бир гуруҳ қатнашчиларга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси фахрий ёрлиқ ва пул мукофотлари, халқаро «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамда халқаро «Экосан» жамғармасининг эсдалик совғалари тантанали суръатда тақдим этилди. Шундан сўнг халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев слётга якун ясар экан, жумладан шундай деди:

— Ўқувчилар, мана сиз бу йил 300 нафар бўлиб слётимизда иштирок этдингиз. Сўзимнинг охирида сизлардан бир илтимосим бор. Мактабларингизга қайтиб, ҳар бирингиз биттадан иқтидорли болани ёнингизга қўшасиз, деб ишонаман. Шунда янаги йилда сизлар 600 нафар бўлиб қатнашасизлар. Ана шундай қилсангиз, ҳаётимиз тобора яхшиланиб бораверади.

Бу сўзларни тинглаб туриб биз ҳам астойдил ниятқилдик. Юртимиз тинч бўлаверсин! Иқтидорли ўқувчиларимиз йилдан-йилга кўпайсин! Ана ўшанда шодликларимизга шодлик қўшилади, байрамларимизнинг файзи янада ошади.

О. ҲАЙИТОВ,
У. ЖУМАЕВ.

СУРАТЛАРДА: слётдан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ИМКОНИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНА БИЛМОҚ КЕРАК

Йўлдош САИДЖОНОВ,
халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари

Ҳозир Узбекистонимиз олдида демократик ва иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлат даражасига кўтарилишдек буюк вазифа турибди. Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор: табиий қазилма бойликлари, меҳмондўст ва меҳнатсевар, ўзининг маданий, ижтимоий тарихига эга бўлган, барча дунё халқлари билан дўстона муносабатлар ўрнатган халқ, билимдон олимлар ва ниҳоят, келажагимиз ҳисобланмиш болалар бор.

Бугун жамиятимизда рўй бераётган демократик, юксак маънавий тикланиш жараёни болаларга ўз имкониятларидан кенг фойдаланишлари учун катта йўл очади. Чунки Республикамиз ҳаётида рўй бераётган янгиликлар, унинг кун сайин халқаро майдонда ўз мавқеини белгилаб олиш ҳаракатлари ўз самарасини бераётир.

Республикамиз Президентининг 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик Маркази иш фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ҳамда «Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармонлари ёшларимизга қилинаётган ғамхўрликдир.

Жаҳоннинг қатор давлатлари билан ҳамкорлигимиз юқоридаги фикрларим исботидир. Айни пайтда ўзбек халқининг унутилаётган маданий, тарихий анъаналари тикланар экан, ўзбекистонликлар юксак маънавий шаклланиш даврини бошдан кечиришмоқда

Мақсадимиз — янги иқтисодий муносабатлар ўрнатилаётган ҳозирги даврда ёш авлодни ушбу давр талабларига жавоб бера оладиган тарзда тарбиялашдир. Бунинг учун бизда барча шароитлар етарли. Истардимки, мавжуд шароитда ўқув юртлари қатори мактабдан ташқари муассасалардан ҳам имконият қадар фойдаланилса.

Республикамизда 258 та ўқувчилар уйлари, саройлари ва марказлари, 148 та ёш техниклар станцияси, 132 та ёш эколог табиатшунослар, 41 та ёш саёҳатчилар станциялари ва 59 та ҳар хил турдаги мактабдан ташқари муассасалар мавжуд. Бу даргоҳларда болалардан ўз меҳрини, билимини аямайдиган мутахассислар, устозлар ишламоқда. Улар мактабдан ташқари муассасаларни истеъдодли ва қобилиятли болаларнинг масканларига айлантириш учун тикланиш ва ислоҳотлар даврининг муаммоларини ҳал этмоқдалар.

Биз бошланғич педагогик жамоаларда иқтисодий йўналишдаги менежерлар, ишбилармонлар, брокерлар ва бошқа янги мутахассисликлар бўйича тўгарак ва гуруҳлар ташкил этаяпмиз. Бундан ташқари мактабларимизда ва мактабдан ташқари муассасаларда болаларнинг чет тилларни мукаммал билиб олишлари учун шароит яратишимиз керак. Бу эса келажакда Республикамизнинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши учун катта аҳамиятга эга бўлади. Шу билан бир вақтда болаларни ёш ёзувчилар, шоирлар, мусиқачилар, тасвирий санъат усталари, меъморлар, киночилар, артистлар, олимлар тарбиялашларини ҳам диққат марказида тутамиз. Бу борада бизга, албатта, таниқли олимлар, фан ва маданият намояндалари катта ёрдам берадилар. Ҳамкорликда ишлаш ҳар қандай муаммоларни ҳал этади.

Ёш авлодни тарбиялаш муаммоларини ҳал этишда биз учун агар шундай ҳамкорликлар бўлмаса, янада мураккаб бўлур эди. Шунинг учун эндиликда Халқ таълими вазирлиги Республикадаги ижодий уюшмалар билан ёш авлодни маънавий, бадиий ва эстетик жиҳатдан тарбиялаш учун самарали ҳамкорлик ўрнатиш чораларини кўрмоқда. Мақсадимиз — ўзбек халқи ва Республикамизда яшаётган турли миллат ва элатларнинг асрлар давомида вужудга келган анъаналарига суяниб, умуминсоний қадриятлар, ватанпарварлик, байналмилаллик руҳида янги ижодкорлар авлодини яратишдан иборат. Шу ниятда биз ўқувчилар ва турли ижодий уюшмалар вакиллари учрашувларини, адабий-бадиий кечалар ўтказаяпмиз, концертлар, адабий, тасвирий санъат, мусиқа, меъморий лойиҳалаштириш кўрик-танловларини, спектакль ва ҳаваскорлик кинофильмлари танловларини ташкил этмоқдамиз.

Утган йили «Узбекистон — Ватаним манинг» мавзуида қўшиқлар кўрик-танловини ўтказдик. Бу йил «Узбекистон қўшиқ байрами»ни ўтказамиз. Бу ишда болалар шоирлари, Республика бастакорларининг бевосита хизматларини айтиб ўтишим керак. Ушбу анъанавий ҳамкорликдан ташқари биз ижодкор дўстларимиздан умумтаълим мактабларимизда болалар ва ўсмирлар учун яратилган бадиий асарларни таҳлил этишларида фаол иштирок этишларини истар эдик. Бу ўқувчилар учун ижод ва яратувчиликнинг буюк оламига бевосита йўл очади. Шунингдек, қобилиятли ўқувчиларимизни Республика ижодий уюшмаларида етук мутахассислар тажрибаларини ўрганишлари учун бевосита оталиқ муносабатларини ташкил этишни бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Узбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 25 мартда қабул қилган «Узбекистон ўқувчи-ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги 157-сонли қарорига мувофиқ, ўқувчиларнинг истеъдодларини намоён этиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга жиддий эътибор бериб, Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда «Узбекистон мактаб ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаси ҳақидаги» Низоми ишлаб чиқилиб, ўқувчилар ўртасида республика олимпиадасини ўтказиб келмоқда.

1996 йили 49 та ғолиб 11-синф ўқувчилари тест синовларисиз олий ўқув юртларига қабул қилиндилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистоннинг ижодкор ёшларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Халқ таълими вазирлиги 1992 йилдан бошлаб «Улуғбек» номли истеъдодли ёшларни қўллаш республика жамғармаси билан ҳамкорликда иқтидорли ўқувчилар танловини ўтказиб келмоқда.

Вазирлик истеъдодли ёшларни танлаш ва уларга таълим-тарбия беришни янада такомиллаштириш мақсадида «Республика истеъдод маркази»ни очди. Истеъдодли ўқувчиларни аниқлашда ва уларга таълим-тарбия бериш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда тажриба алмашиш ишлари ташкил этилган.

Бу борада Американинг АКСЭЛС жамияти билан таълим соҳасидаги ҳамкорлик такомиллаштириб борилмоқда. 1993 йили 48 ўқувчи Американинг турли штатларидаги таълим муассасаларида йил давомида билим олишди. 1994 йил 55, 1995 йил 69, 1996 йили 50 нафар ўқувчиларимиз таълим олдилар.

Ҳозир Республикамиз аҳолисининг турмуш даражасини ошириш учун Президентимиз ташаббусига биноан бир қанча амалий ишлар қилинмоқда. Талабаларнинг стипендиялари ва ўқитувчилар маоши оширилди, шунингдек квартира, коммунал хизмат, ер ажратиш бўйича бизнинг ходимларга маълум имтиёзлар берилди. Ҳукумат, Президентимиз болаларга ғамхўрлик қилмоқда, бунинг барчасини юқорида келтирилган амалий ишлар исбот этади.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Концепция асосида биз эски қолиплардан воз кечиб, жаҳон тажрибаларидан фойдаланиб, болаларнинг қобилияти ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда ўқитишни дифференциялаштириш, унинг ижтимоийлигини ошириш, ўқувдаги ортиқча мажбуриятларни камайтиришга интилаяпмиз.

Ўтган қисқа давр мобайнида Республикамизда янги типдаги мактаблар сони кўпайди. Ҳозирги кунда 238 лицей, 151 гимназияда 110 минг ўқувчи таълим-тарбия олишмоқда.

Болалар, бизнинг келажагимиз, уларнинг қобилиятли, ҳар жиҳатдан етук бўлиши келажакда Ватанимизнинг ҳар соҳада катта ютуқларга эришувини таъминлайди.

УСТОЗЛАРГА, ОТА-ОНАЛАРГА РАҲМАТ

(Боши 1-бетда).

риятлари, тарихи билан танишдилар, музейлардан чиққач эса Амир Темур ҳайкали ёнига келдилар. Бу ерда РТМ маънавият ва қўшимча таълим бўлими бошлиги Машкура Туропова «Тарих, истиқлол ва қадриятлар» мавзуида машғулот ўтказди.

Чилонзор туманидаги 201-мактаб ўқитувчиси Шоира Азизова бошчилигидаги бошланғич синф ўқувчилари эса Амир Темурга бағишлаб тайёрлаган композициясини намойиш қилдилар, ўгитларини ёд айтдилар. Бадиий чиқишлардан кейин ўғил-қизлар буюк бобомиз ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Қисқаси, олимпиада таомилга амал қилинган ҳолда бошланди.

Олимпиада дастурига кўра, вилоят ғолиблари 26-27 март кунлари замонавий ЭҲМларда шуғулланишди, қатор нуфузли институт, университетлар раҳбарияти ҳамда ўқитувчилари билан суҳбатда бўлдилар.

Кеча эса тасдиқланган жадвалга асосан 1-Тошкент педагогика билим юртининг компьютерлаштирилган хоналарида олимпиадачилар 10 та фан бўйича иккита гуруҳга бўлинган ҳолда беллашдилар. Муаллимлар, ота-оналар, телекамера орқали баҳс жараёнини бевосита кузатиб турдилар...

Бугун яна 2 та гуруҳ (8 та фан бўйича) тест синовларидан ўтадилар. Эртага эса РТМнинг мажлислар залида олимпиаданинг тантанали ёпилиш маросими бўлади.

Муҳими, синовларда сараларнинг сараси ўзаро беллашиб, билимларини намоён этишмоқда. Шу билан бирга улар маданий ҳордиқ чиқаришга ҳам улгуришяпти. Бугун кеча синовдан ўтган ўқувчилар Нафис санъат лицейида бўладиган учрашувга борадилар. Кечқурун Ҳамза номли академик Давлат театрида «Соҳибқирон» спектаклини томоша қилишади. Бу тадбирларни Республика Таълим ва фан ходимлари Касаба уюшмаси Марказий қўмитаси уюштирмоқда. Хуллас, олимпиада қатнашчиларининг ҳар бир куни жуда тиғиз ҳамда таассуротларга, ҳаяжонли дақиқаларга бой ҳолда утаяпти.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ.

(Олимпиада тўғрисидаги ҳисобот ва унинг иштирокчилари таклиф-мулоҳазалари билан газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида танишасиз).

Navro'z shodiyonalari

«БИЗ БАРИБИР КУЙЛАЙВЕРАМИЗ!»

ЎЗ ВАТАНИНИНГ АЗИЗ БОЛАЛАРИ

Дунёда ҳеч бир одам боласининг кўнгли яримта бўлмасин. Бу чинакам ғоҳиадан, қиёматдан бўлак нарса эмас. Ҳақиқий оналар ўз фарзандини «оппоғим» дея эркалайди. Тилида шакар беради, дилида меҳр, муҳаббат улашади. Қизчасига илк бора қўғирчоқ, ўғилчасига копток олиб берган кунини йиллар ўтиб невара-чевараларига эртак қилиб сўйлайди. Улар ҳам шу эртак таъсирида камолга етадилар, ўсадилар, унадилар. Минг афсуски, бу каби сийловрлар бебаҳра қолган норасида ғўдаклар ҳам шундоққина ёнгинамизда яшашади. Яхшиямки, улар бошини силовчи, оқ ювиб, оқ тарайдиган меҳрибон — давлатимиз бор.

Ҳар йили баҳор келади. Ҳар баҳорда биз Наврўз байрамини нишонлаймиз. Бу байрамни она юртимиздаги барча болаларимиз қатори Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳам интиқ бўлиб кутишади. Ахир, Наврўз — инсоний қадриятлар, чин маънодаги меҳрибонлик байрами-ку! Улар шу баҳона яна бир бор бир-бирларини, тарбиячи опалари-ю жонкуяр муаллималарини табрик этишади, ўйнаб-кулишади.

Тошкент шаҳар қўшимча таълим комплексида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун «Кока-Кола» фирмаси ҳомийлигида «Истиқлол гунчалари» деб номланган байрам кечаси ташкил этилибди.

Мен ҳам бу йилги Наврўз шодиёналарини пойтахтимиздаги 21 ҳамда 22-Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари билан баҳам кўриш илинжида уша байрамга ташриф буюрдим. Уйлаганимдек, болалар аллақачон етиб келиб, ўз жойларини эгаллаб улгуришибди. Уларни зимдан кузата бошлайман. Кузатаману бу болаларнинг чиндан-да ота-онасиз эканликларига, тўғриси, сира ишонгим келмайди. «Ана, ҳаммалари қувноқ, бежирим кийинган, кулиб ўтиришибди-ку!» дейман ўзимга ўзим. Ахир, неча йиллардан бери бу ғудаклар менинг тасаввуримда маъюс, ғамгин акс этган бўлишса, нима қилай?.. «Йўқ — дея рад этади қалбим, — уларнинг кўнглига қулоқ тут, чунки кўзларидаги ёш болакайларнинг ич-ичига сингиб бўлган!..»

Бу орада байрам концерти ҳам бошланиб кетди. Тарбияланувчи укаларим муаллимлар кўмагида турли дасталар ташкил этишган экан. Концерт давомида ана шу дасталар қатнашчилари ижросида ёқимли куй-қўшиқлар янгради, рақслар ижро этилди. Ватанимиз, аждодлар тарихининг ҳақиқий билимдонларини тинглаб эса болажонларга яна бир карра меҳрим ошди.

Наврўз кечаси давом этаркан, 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг бир қўшиғини тинглаб туриб, айниқса, жуда тўлқинландим, беихтиёр кўзларимга ёш келди. Қўшиқ мазмуни қуйидагича эди: «Келгусида Узбекистон ҳудудида ҳеч қанақа Меҳрибонлик уйлари қолмайди. Чунки болаларимиз бағримизда бўлади!».

Нақадар ҳаяжонли сатрлар! Ахир, бу сатрлар уша, ҳозиргина қаршимизда берилиб куйлаётган, зални тўлдирганча ўтириб астойдил қарсак чалаётган ҳув анави болаларнинг кўнгил фарёди-ку! Уларни тинглаб туриб, миямда бир фикр уйғонди. Ҳа, болажонлар келгусида уша бемеҳр оталар, иродасиз оналар изидан боришмоқчи эмас. Балки, она Ватаннинг, эл-юртнинг ҳақиқий фарзандлари бўлишмоқчи. Уларни бу эзгу мақсад йўлида Яратганнинг ўзи қўллासин: иншооллоҳ!

ҲАСРАТ ТЎЛА ҚАЛБЛАР ГУРУНГИ

Ҳар одамнинг турфа феъли, турлича тақдири бор. Не қилайлик? Пешона экан-да? Лекин барибир юрагида заррача бўлсин илиқ тафт туйган инсон тоабад бир-бирига талпиниб яшайди. Озгинагина меҳр-муҳаббатини кимлардадир тезроқ улашгиси келади, кимнингдир суҳбатини соғинади. Мен ҳам қалбимга қулоқ тутдим, унинг амрига беихтиёр бош эгдим. Чунки ана шу байрам баҳонасида қайсидир бегуноҳ болакайларнинг кўнглига яқинроқ бўлиш истаги тинч қўймади вужудимни. Яқин орада саҳнага чиқиш учун ҳозирлик кўраётган 5-6 нафар ўсмир йигитларга яқин бориб, уларнинг баъзиларини суҳбатга тортаман:

Абдулла Турсунов — 22-Меҳрибонлик уйи (директори Клара Отажонова) тарбияланувчиси, 14-ёшда.

— Менинг ҳам аслида ота-онам ҳаёт. Улар шу ерда — Тошкентда яшашади. Айтишларича, ёшлигимда улар жанжаллашиб қолиб бунинг аламига мени Меҳрибонлик уйига ташлаб кетишган экан. Кейинчалик ўзлари ажралиб кетишган. Аммо ҳозиргача ҳам дадам мени кўриш учун ҳеч келмаган, онам аҳён-аҳёнда келиб туради, холос. Бу-ку майли, бундан бир неча йиллар муқаддам дадам ичиб келиб мендан кейинги укамни сабабсизнетсиз ташқарига улоқтириб юборибди. Натижада у қаттиқ жароҳатланиб, кейинчалик бир оёғи ногирон бўлиб қолган. Ҳозир уша укам ҳам мен яшаётган Меҳрибонлик уйида. Онам яқинда айтдики, ўзига квартира сотиб олса, албатта, бизни олиб кетарқан.

Алишер Маҳмудов — 21-Меҳрибонлик уйи (директори Алла Демчук) тарбияланувчиси, 14 ёшда.

— Мени бу ерга 1 яшаргимда ташлаб кетишган экан. Ота-онам ким, улар ҳаётми-йўқми билмайман. Бу ҳақда қўпчилик тарбиячилардан сурадим, лекин ҳеч ким негадир лом-мим демайди. Яқиндан бери қорақамишлик Баҳром акалар дам олиш кунларида олиб кетиб турадиган бўлишди. Уларнинг оиласи жуда ҳам яхши экан. Доимо кўнглимга қарашади, яхши гапиришади. Ўзим эса якшанба кунлари мачитга бориб намоз ўқийман. Яратгандан ҳамма одамларга инсоф, диёнат тилайман. Токи, улар болаларини ҳеч қачон ташлаб кетишмасин.

Хўш, болаларнинг суҳбатларини тинглагач, ўзимиз ҳам бир ўйлаб кўрайлик. Меҳрибонлик уйлари кимларнинг ҳисобига тўлапти? Болалар нега азоб чекишмоқда? Бунинг сабаби битта — баъзи йигитлар уйланиб, фарзанд кўрсалар-да, барибир ҳаёт, турмуш деган муқаддас тушунчани ўз вақтида тўғри англаб ета билмайдилар. Бунга эса, албатта, маълум маънода уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари, яқинлари айбдор десак, ҳато бўлмас. Чунки йигит ичкиликка берилиб ўз қалбини, меҳр-муҳаббатини, ғуруруни уша оғуга бой бера бошладими, унинг қайсидир бир аждоди ҳам шундай бўлиб чиқаверади. Ахир, ҳар бир ота хавфли касалликнинг ҳам қон суриши ҳақиқат-ку! Бу ерда биз биргина ичкиликни мисол тариқасида келтирдик, холос. Ҳаётда эса лоқайдликнинг, меҳрсизликнинг илдизлари жуда кўп. Аёлларнинг бу даражада бемеҳр бўлиб кетиши эса кўпроқ хирсу ҳаваснинг оқибатида юзага келса керак. Агар улар ўз иродаларини вақтида жиловлай олганларида эди, қалбларини ҳеч қачон иймон тарк этмаган бўлур эди.

Йўқ, йўқ! Мен болажонларнинг яраларини янгилаш мақсадида саволга тутмадим уларни. Аксинча, ўшаларга ич-ичимдан ҳамдард бўлгим келди. Ниятим амалга ошди ҳам. Негаки қисқа фурсатда улар билан худди тўғишган ака-укалардек апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Бирга кулишдик, кўнгил ёздик.

МЕНИ ТАШЛАБ КЕТМАНГ, ОЙИЖОН!

Тўғрисини айтай, 22-Меҳрибонлик уйи директори Клара Отажонова олийжаноб аёл экан.

Яхшиямки, бахтимизга ўшандай меҳрибон, жонкуяр инсонлар орамизда кўп. Улар бола учун ҳеч нарсани, ҳатто жонларини ҳам аяб ўтиришмайди.

Клара опа ҳам байрам охиригача жажжиларини олқишлаб чарчамади. Гоҳ юрак-юрагидан кулиб, гоҳида йиғлаганча байрам томоша қилаётган бу аёл нафақат директор, менинг назаримда ҳозир жуда бахтиёр бир она ҳам эди. Лекин унинг тиззасида опанинг бўйнидан маҳкам қучоқлаганча жимгина ўтирган 3 ёшлар чамасидаги рус миллатига мансуб қизалоқни кўриб аввалига ҳайрон бўлдим. Тўғриси, шу қизча билан жуда қизиқиб қолдим. Опа эса, кўз ёшларини арта-арта бир амаллаб менга бу ҳақда айтиб бердилар.

Хуллас, бу қизча Меҳрибонлик уйининг энг кенжаси экан. Яқинда уни Тошкентдаги Олой бозоридан топиб олишибди. Сира уйлаб ўтирмай қизчани мачитга олиб боришибди-ю, қулоғига азон айттириб исмини Асалхон қўйиб олишибди. — **«Асалхонни ҳозир ўзим тарбия қиляпман,** — дейди Клара опа. — **Кундузи ҳам, кечаси ҳам мен билан бирга. Бу қизча фикримча қўлдан-қўлга ўтавериб юрак олдириб қўйган, шекилли. Озгина вақт ёнида бўлмай қолсам, тинимсиз йиғлайверади».**

Опанинг мунгли қиёсини тинглар эканман, тилим калимага келмас, бутунлай бошқа бир дунёга кириб қолгандай сезардим, ўзимни. Йўқ, бу шунчаки бир гинахонлик кечаси эмас, катта байрам, ахир! Болалар юзидаги табассум, қувноқ куй-қўшиқлар бунга аниқ исбот-ку! Шунинг учун ҳам қисқа вақт ичида жигарбандларимга айланиб қолган уша болакайларни Наврўз, баҳор, ҳақиқий меҳрибонлик айёми билан ич-ичимдан қутладим. Тошбағир оталар, ориятсиз оналарга эса, қалбимнинг бир четида Яратганнинг ўзидан яна бир карра инсоф, диёнат тилай олдим, холос.

Олимжон ҲАЙИТ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

ИНТЕРНЕТ
INTERNET

КОМПЬЮТЕР-ГУМАНОИД

АҚШ ҳукумати университетлар ҳамда илмий-тадқиқот марказларида амалга оширилаётган компьютер лойиҳалари учун 10 миллион доллар миқдорида ёрдам ажратди. Массачусет техника институтида ишлаб чиқилаётган компьютер инсоннинг яқин суҳбатдошига айланиши ҳам мумкин. Профессор Жастин Касселанинг фикрича, компьютер нутқ оҳангини, юз ифодасини тушунади, ҳиллани ажрата олади. Бундай компьютерлар, айниқса, кар ёки бошқа беморлар учун кулайлик туғдиради, сабаби машина оғзаки буйруққа ҳам тушунади.

ОЛТОЙ ПИРАМИДАЛАРИ

Бир гуруҳ археологларнинг Олтойдаги илмий изланишлари ажойиб янгиликларнинг очилишига олиб келди. Россия ФА Археология ва этнография институти Сибирь бўлимининг илмий ходими Петр Шульга Сентелек водийсидан эрамиздан аввалги 5-3 асрларга оид қабрларни ўрганди. Натижада, қабрнинг тўкилиб тушган устки қисми худди Миср пирамидалари шаклида бўлганлиги, ёғоч тобутлар қўйилган 2,5 метр чуқурлиқдаги хилхонанинг кириш эшиклари ҳам аниқланди. Олимнинг фикрича, бу муъжаз пирамидалар скифларга тегишли ҳамда ўзининг илмий баҳоланишини кутмоқда.

Yangilik

СТУДИЯНИНГ ИБРАТЛИ ИЗЛАНИШЛАРИ

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги Давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекцияси ўзининг иш фаолиятида қатор янгиликларни жорий қилмоқда. Жумладан, яқинда инспекция қошида кичик студия иш бошлади. Кичик студия ўзининг олдига иккита асосий вазифани қўйган. Биринчиси — махсус жадвалга асосан таълим муассасалари ва ўқув юртларида тематик текширувларни амалга ошириш; иккинчиси — илғор тажрибаларни видеотасвирга тушириб, оммалаштириш.

Жумладан, шу мақсадларда Республика тасарруфидаги мактабдан ташқари муассасаларига ҳамда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига рейд ташкил этилди. Мактабдан ташқари муассасаларда тўгараклар фаолияти таҳлил этилган бўлса, институтда асосий эътибор талабалар давомати ва ётоқхоналарда уларга яратилган шароитларга қаратилди.

Аниқланишича, Республика ўқувчилар саройида тўгараклар фаолияти бирмунча яхши йўлга қўйилган. Аммо, ўқувчиларнинг «Биоэкосан» Республика мажмуида, Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар ҳамда ёш техниклар марказларида мазкур йўналишларда қатор муаммолар ва камчиликлар мавжудлиги маълум бўлди. Айниқса, ўқувчиларнинг «Биоэкосан» Республика мажмуида тўгараклар фаолияти қониқарсиз ташкил этилган. Тўгарак раҳбарлари ўзларининг асосий вазифаларини яхши тасаввур этмаслиги, улар томонидан машғулотларни ўтмаслик ҳоллари мавжудлиги, Тошкент шаҳри умумтаълим мактаблари қошида мажмуа томонидан ташкил этилган тўгараклар фаолиятига эътиборсизлар борлиги таъкидланган. Мажмуа ҳамда мактаблар маъмуриятлари ўртасида тўгараклар фаолиятини ташкил ва назорат этиш борасида шартномалар имзоланмаган.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида сайланма равишда фаолиятлари таҳлил этилган айрим факультетларда (тарих, биология-география, жимоний тарбия ва чақириққача ёшларни тайёрлаш) талабалар давомати асосан талаб даражасида эканлиги аниқланибди.

Аммо, ўзбек филологияси, физика факультетларининг айрим гуруҳларида талабалар давомати паст. Масалан, ўзбек филологияси факультетининг 1-курс «а», «б», «в» гуруҳларида жисмоний тарбия машғулотларида қатнашиши лозим бўлган 66 талабадан 19 таси дарсда қатнашмаётганлиги аниқланди. Қолган айрим факультетларнинг гуруҳларида 2 тадан 5 тагача талабалар йўқлиги маълум бўлди. Ўқитувчилар ва гуруҳ старосталари бундай аҳволнинг сабабларини яхши билмайдилар. Шунингдек, гуруҳ журналларида талабалар давоматини қайд этмаслик ҳоллари мавжуд.

Мактабгача тарбия ва бошланғич таълим методикаси факультетларининг мутассадди раҳбарлари талабаларни амалиётга чиқариш жадвали ҳамда улар рўйхатга асосан қайси таълим муассасаларида амалиёт ўтаётганликлари тўғрисида тегишли аниқ маълумотларни бера олмадилар.

Институтнинг 4,7,8,9-ётоҳоналарида талабалар учун яратилган шароитлар талаб даражасида эмас. Жумладан, хоналарнинг айримларида электр симларининг очиқ қолдирилаётганлиги, электр жиҳозларининг мавжуд ўрнатилган тартибга хилоф равишда ишлатилаётганлиги техник хавфсизлик талабларига зиддир ҳамда талабалар ҳаётига хавф тўгдиради. Хоналарнинг санитария-гигиена ҳолати ҳам шошилинч чоралар белгилашни тақозо этади.

Ётоқхоналарда ўқитувчилар навбатчилари ташкил этилган, аммо улар ўзларининг аниқ вазифалари нималардан иборат эканлигини яхши билмайдилар. Кечки пайтларда яхши жиҳозланган маънавият ва маърифат хоналарида талабалар билан тегишли ишларни олиб бориш йўлга қўйилмаган.

Хоналардаги мавжуд жиҳозлар паспортизацияси ўтказилмаган, шунингдек, улардан оқилона фойдаланиш, сақлаш бўйича талабалар ва ётоҳхона маъмурияти ўртасида шартномалар имзоланмаган.

Рейд якунларига кўра камчиликларга йўл қўйган ходимларга маъмурий чоралар кўрилди. Айримларининг иш ҳақларидан ушлаб қолинди. Муассасалар ва ўқув юрти раҳбарларига аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаш ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида жорий йилнинг 5 апрелигача вазирликка ахборот бериш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, кичик студияда ноанъанавий дарслар ва машғулотларни, илғор иш тажрибаларини видеотасвирга тушириш ишлари бошланди. Маълумки, жойлардаги таълим ходимлари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари тингловчилари доимо ҳам илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш имкониятига эга эмаслар. Кичик студия фаолияти мазкур бўшлиқни қисман бўлса-да тугатишга қаратилган бўлади. Яъни, илғор иш тажрибалар, ноанъанавий дарслар ва машғулотлар тушириллган видеокассеталар жойлардаги малака ошириш институтлари ва туман (шаҳар) методика кабинетларига амалий фаолиятда фойдаланиш учун юборилади.

Эркин ЗАРИПОВ,
Давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекцияси бўлим бошлиғининг ўринбосари.

Rasmiy bo'lim

ПУХТА ТАРАДДУД — МУВАФФАҚИЯТ ДЕБОЧАСИ

Мамлакатимиз халқ таълими тизимида 1996—1997 ўқув йилининг якунланишига ҳам саноқли ҳафталар қолди. Олдинда эса ўқувчиларнинг синфдан-синфга кўчирилишини билим жиҳатидан пухта аниқлаш, битирувчи синфларда ўғил-қизлар билим ҳамда кўникмаларини уюшқоқлик билан одилона синовдан ўтказиш, бу ишларни пухта ташкил этиш, тайёргарлик жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш каби вазифалар турибди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида 1996-97 ўқув йилини якунлаш, битирувчи синфларда ўқувчилар билими ва кўникмаларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги шу йил февраль ойида қабул қилган 53-рақамли буйруғи ва ушбу ҳужжатда тасдиқланган махсус Йўриқнома («Маърифат» газетаси 5 март сонида эълон қилинган) жами тайёргарлик ишларини амалга оширишда дастуриламал ҳужжатдир. Шунинг учун ҳам айни кунларда вилоят халқ таълими бошқармаларида, шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларида, таълим муассасаларининг педагогик кенгашларида ушбу ҳужжат атрофлича ишлаб чиқилиб, аниқ тадбирлар белгилаб олинаётир.

Йўриқномадаги энг муҳим янгиликларни жорий этишда жойларда қандай масалаларга жиддий эътиборни қаратиш лозим? Ана шу каби саволларга Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи Гуландом Алимова қуйидагича жавоб берди:

— Кейинги йилларда умумтаълим мактабларида таълим жараёнлари мазмунини тубдан янгилаш, дарсларни янги технологик услублар асосида ўтказиш, шунингдек, ўқувчилар билимини баҳолашнинг турли усулларидан фойдаланиш каби долзарб масалаларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларини ўтказишда ҳам қатор янгиликларни амалга оширишни тақозо қилаётир. Шу боисдан 1995-96 ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча умумтаълим мактаблари, кечки мактаблар ва катталар таълими мактабларида синфдан-синфга кўчириш имтиҳонлари бекор қилинди.

Маълумки, барча умумтаълим мактабларида ҳар бир фандан ўқув йили давомида ўқувчилар билимини аниқлаш бўйича тест синовлари, ёзма ишлар, савол-жавоблар, зачётлар ва реферат ишлари каби бир неча синовлар ўтказилади. Бунга қўшимча вазирлигимизнинг 40-буйруғи асосида ҳар ўқув йилининг учинчи чораги сўнггида фанлардан назорат синовлари ўтказилаётир. Шунингдек, ўқувчилар билимини аниқлашда рейтинг усулини қўллаш каби янгиликлар ҳам мавжуд. Булар ўз-ўзидан синфдан-синфга кўчириш имтиҳонларини ўтказишга эҳтиёж йўқлигини кўрсатяпти. Бу борадаги Халқ таълими вазирлигининг шу йилги буйруғи ва Йўриқномасидаги бир талай янгиликлар ҳам бунинг яққол исботидир.

Йўриқноманинг асосий янгиликларидан бири бўлган якуний аттестациянинг самарали ўтишини таъминлашда албатта консультацияларнинг аҳамияти катта. Шу боис таълим муассасаларида фанлардан консультациялар жадвали имтиҳонлардан камида икки ҳафта аввал чиқариб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Битириш имтиҳонлари билетларига қўшимча материалларни Давлат Тест маркази томонидан чиқарилган «Ахборотнома»лардан ҳам фойдаланиши мумкин.

Биз имтиҳонлар даврида мактаб маъмурияти ота-оналар билан узвий алоқа қилиб туриши лозим деб ҳисоблаймиз. Ўқувчи билан содир бўлган барча ҳолатлар (унинг кузга қолдирилиши, имтиҳонга қўйилмаслиги, ўқувчининг имтиҳон топшира олмай қолишлиги)ни ота-оналарга кечиктирмасдан маълум қилиш даркор. Бу ошкораликнинг бир кўринишидир. Умуман барча битириш имтиҳонлари ошкоралик ва кўргазмалилик асосида ўтишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Умуман, таълим муассасаларида ўқув йилини якунлаш, битирувчи синфларда ўғил-қизлар билим ҳамда кўникмаларини синовдан ўтказиш гоят масъулиятли иш бўлиб, унга пухта тайёргарлик кўришни тақозо этади. Шу боисдан жойларда вазирлик ҳужжатлари бўйича ўтказилган йиғилишларда ишлаб чиқилган тадбирларни пухта ва изчил амалга ошириш муваффақиятларнинг бош омили бўлади, деб ҳисоблаймиз.

И. ЮНУСОВ,
Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси бўлимининг бошлиғи:

— Вазирлигимизнинг умумтаълим мактаблари ўқувчиларини битириш ва синфдан-синфга кўчириш имтиҳонлари бўйича газетада эълон қилинган ҳужжатларини вилоятимиздаги ҳар бир таълим муассасаси педагогик жамоалари синчковлик билан ўрганиб чиқмоқдалар. Яқинда эса вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти мутахассислар иштирокида бу ҳужжатларни ўрганиш ва тадбиқ қилиш бўйича кенгайтирилган семинар-кенгаш ўтказилди. Бу йиғинда маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда умумтаълим муассасаларида ва бошқарув идораларида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди.

Йиғилишда мутахассислар, тажрибали ўқитувчилар томонидан бир қатор таклифлар ҳам билдирилди. Жумладан, улар битирувчи синф ўқувчилари учун аттестация материалларини Республика Тест маркази томонидан тайёрланиб, жойларга етказилса мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб таъкидлашди. Шунингдек, улар лицей ҳамда гимназияларнинг битирувчи синфлари учун алоҳида имтиҳон матеариллари бўлиши керак, деб уқтиришди.

Н. ТОҒАЕВА,
Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари:

— Республика Халқ таълими вазирлигининг ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш ҳамда битирувчи синфларда ўқувчилар билим ҳамда малакаларини аттестациядан ўтказиш ҳақидаги ҳужжатларини эътибор билан ўқиб чиқдик. Бундан икки ҳафта бурун эса вилоятдаги туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари мудирлари, методика хонаси мудирлари ва малака ошириш институти ходимлари иштирокида мазкур ҳужжатлар бўйича вазифаларни аниқлаштириб олиш учун кенгайтирилган семинар-кенгаш ўтказилди. Таълим муассасаларимизда битириш имтиҳонларини ўтказиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди. Барча педагогик жамоаларга ва ота-оналарга мазкур ҳужжатни тушунтириш ишлари бўйича режалар белгиланди.

Қабул қилган тадбирларимизда битириш имтиҳонларини ўтказиш бўйича муаммоларни ҳал этиш, имтиҳон ўтадиган жойларни аниқ белгилаш ва жиҳозлаш, имтиҳонлар ва консультациялар жадвалларини ишлаб чиқиш ва бошқа масалалар акс этди.

ТОПИБ ЎҚИНГ!

«Соғлом авлод учун» журналининг бу йилги биринчи сони нашрдан чиқди, ўқидингизми?

Муқовага эътибор беринг. Деҳқон ҳар нарсага қодир-да. Ҳали шафтоли гулламасдан туриб, мевалар унинг дастурхонини тўкин қилиб турибди. Журнални варақлар экансиз, сиз ҳам шафтоли егандек ҳузур қиласиз.

Журналда таниқли мунаққид Иброҳим Ғафуровнинг «Икки дунёда азиз» сардавҳали мақоласи чоп этилган. Унда сиз инсон бисотидаги ажиб зийнатлар ҳақида лутф тинглайсиз. М. Қушмоқбой ва атоқли шарқшунос олим Зиё Бунёдовнинг тарих ҳақидаги суҳбати ҳам сизни бефарқ қолдирмайди. Журналнинг сўнгги варақларида чоп этилган Маҳмуд Замахшарий ва унинг «Девон»и ҳақидаги мақолада, Суфи Оллоёр тўғрисидаги мақолаларда «...бобонг менман, сен ҳам менга муносиб бўл» деган пинҳоний хитоб жарангламоқда. Журналдаги яхши мақолаларни санай туриб, сизга айтмоқчи бўлганимиз шул: бугунок «Соғлом авлод учун» журналини топиб ўқинг. Шунда фикрларимизга сизларнинг ҳам фикрларингиз эш бўлса ажабмас.

Дилдора АЛИҚУЛОВА.

Tabiat va biz

ТОҒЛАР ОЛДИДА ҲАЙҚИРГИМ КЕЛАДИ...

Биз Нурота тоғ тизмасига кирувчи Оқтоғ ва Қоратоғ оралиғида жойлашган гўзал ва жаннатмакон дейишга тил бормайдиган, файзсиз бир қишлоқда яшаймиз.

Ҳа, янглишмадингиз: файзсиз! Нега? 40-50 йиллар олдин тоғларимиздаги даралардан ариқлари тўлиб оби-ҳаёт оқар эди. Баҳор кезлари қир-адирлар лолалар билан бурканар, каклик, бедана, булбулларнинг шўх овозлари, тоғ олқорларининг мағрур боқишлари инсонлар нигоҳида мангу қолар эди.

Ҳозир-чи? Тоғларимиз «ўлик» тоққа айланмоқда! Бунга одамларнинг ваҳшийлиги сабабдир. Бир соатлик кўнгилхушлик учун минглаб лолалар узиб ташланаверса, бодомлар, дўланалар, сариқ толлар кесиб, ўтин қилиб ёқилаверса, бу ёвузлик эмасми?

Мен тоғлар олдида ҳайқиргим келади...

Оқтоғ бағрида жойлашган Қовунчи, Себистон, Хайтанбулоқ, Ўразмат қишлоқларида юқорида номлари зикр этилган тоғ ўсимликларидан нишон ҳам қолмаган. Чинор, Қоратош, Эжгант, Чиноқ, Кўштамғали қишлоқларининг фақат юқори қисмларидагина бу ноёб ўсимликларни учратиш мумкин.

Болаларга ўтадиган дарсларим она табиатни кўз қорачиғидек асраш кераклиги ҳақидаги ғоялар билан боғлиқ. «Табиат ҳазилни кўтармайди, у доимо жиддий, доимо қаттиққўл, у доимо ҳақ, хато ва камчиликларга фақат одамлар йўл қўядилар», деган эди немис ёзувчиси Гёте. Мен бу фикрни бот-бот тилга оламан.

Ўтган йили Оқтоғдаги Учқўл дарасига бир гуруҳ ўқувчиларим билан минг тупдан зиёдроқ терак ва тол новдалари экдик. Шунда ўқувчиларим: биз эккан билан бирибир одамлар ё кесиб олиб кетади, ё суғуриб ташлайди», дейишганди. «Майли, умид билан эккан ниҳолларимиз бир кун ўсса, одамлар кесиб эшик, ром ясаса, уйига тўсин қилиб томини ёпса, сиз билан бизга раҳмат айтар» деб кулган эдим мен.

Афсус, баъзи ҳамқишлоқларимдан нафратландим. Орадан бир ой ўтиб хабар олгани борсак, терак қаламчаларининг аксарияти суғуриб олиб кетилган эди.

10-»А» синфда «Тоғларни қутқарайлик!» мавзусида адаб дарси ўтказдим. Мактабнинг юқори синф ўқувчилари Оқтоғдаги барча дараларга иккитадан мевали, ўн тупдан терак ва тол новдаларини экиш ташаббуси билан чиқишди.

Йил боши — Наврўз ҳам кериб келди. Қишлоқларимизга, ариқ, дарё, канал, ҳовуз бўйларига ёнғоқ, ўрик, шафтоли, олма, арча, терак, тол, бодом кўчатларини ўтказсак, сув қуйиб, парвариш қилсак, табиат олдидаги инсоний бурчимизни бажарган бўламиз.

«Қизил китоб»га кирган бўтакўз ва ёвғошин лолалари, дўлана, бодом каби доривор бута ва ўсимликларимиз, сайроқи каклик ва мағрур олқорларнинг камайиб кетишига онгли мавжудот — инсонлар сабабчидир. Гуноҳ ўзимизники, энди савоб ишлар қилайлик!

Иззатулла ҒАЗНАЕВ,
Кўшработ туманидаги 55-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчиси.

ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

Одамнинг улуғлиги унинг бўйи-басти билан ўлчанмаганидек, миллатнинг улуғворлиги, буюклиги унинг сон-саноғи, моддий бойликлари билан белгиланмайди. Ягона ўлчов унинг маънавиятидир.

Маънавиятнинг катта бир бўлаги эса илму маърифатдир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ёшларга ҳар бир фандан чуқур билим бериш давр талабига айланди. Толибу толибалар биринчи навбатда ўз она тилини билиши қанчалик шарт бўлса, хорижий тилларни ўрганиши ҳам шунчалик лозимлигини давр тақозо этмоқда. Рус тилининг хорижий тил сифатида ўқитилиши яхши йўлга қўйилганлигини эътироф этиш жоиздир. Бундан ташқари ЮНЕСКО нинг маълумотига кўра 1/3 илмий техник ахборотлар, физика ва тиббиёт соҳасидаги илмий ишларнинг 50%и рус тилида нашр этилиши, шунингдек 77% ахборотларнинг рус тилида кодлаштирилиши рус тилининг нуфузини белгилаш билан бир қаторда уни янада чуқур ўргатишни тақозо этади.

Бирор фанни чуқур ўргатишда эса табиийки, услубий ўқув қўлланмаларига эҳтиёж сезилади. Бу жиҳатдан яқиндагина «Ўқитувчи» нашриётида нашр қилинган «Обучение русскому языку в школах Узбекистана на современном этапе» деб номланган қўлланма жуда аҳамиятлидир.

Қўлланма узоқ йиллар қилинган меҳнатнинг самараси эканлиги, шубҳасиз. Шунингдек, тўпланган катта тажрибанинг ҳам мевасидир. Қўлланма 6 бобдан иборат бўлиб, рус тилини ўқитишнинг барча қирраларини қамраб олган. Ҳар бир боб бир-бири билан узвий боғланган ва бир-бирини тўлдиради. Қўлланмада берилган машқлар, топшириқлар, тестлар, нутқ одобидан намуналар, (услубий) тавсиялар бир томондан, ўқитувчиларга дарс жараёнида мавзуни тушунтиришда катта ёрдам берса, иккинчи томондан, талабаларга мавзуларни чуқур ўзлаштиришдаги аҳамияти беқиёсдир. Айниқса, тест топшириқларининг берилиши, синфдан ташқари ўқиш сифатида тўгарак ишлари бўйича махсус дарс намуналарининг тавсия этилиши, ўзбек халқининг байрамлари ҳақида берилган матнлар, ўйин дарслари намуналари ниҳоятда қизиқарли чиққан.

Давлат тилини ва хорижий тилларни ўқитишда ҳам мазкур қўлланмадан фойдаланиш мумкин.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,
филология фанлари номзоди.

ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Куни кеча Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети қошидаги Олий педагогика институтида «Маънавият ва маърифат тараққиёт омили» мавзуида илмий-услубий конференция бўлиб ўтди. Унда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бошлиғи Н. Аминов, академик Э. Юсупов, Юридик институтининг директори, профессор Ҳ. Бобоев каби фан ва маданиятимизнинг дарғалари қатнашдилар, ҳамда маърузалар қилдилар. Маърузалар мазмуни ҳар хил бўлсада, моҳияти, илдизи битта эди: баркамол инсонни шакллантиришда маънавият ва маърифат тарбиясининг аҳамияти беқиёс, бусиз тараққиёт йўқ.

Маърузалар ўз навбатида қизиқарли савол-жавоблар, баҳсмунозаралар билан алмашиниб турди. Конференция йиғилганларда чуқур таассурот қолдирди.

Л. БЎРИЕВ.

«НИНА ОПОЙ»

«Устоз отадан улуғ» дейдилар. Ҳақиқий устозлар ҳам ўз шогирдларини фарзандларидан аъло кўрадилар. Зеро, катта олимимиз айтганидек, фарзанд таннинг давомчиси, шогирд эса устознинг руҳини, ғоясини давом эттиради. Олижаноб, бағри кенг, билганларини ёшларга сабр, чидам ва меҳр ила ўргатадиган устозлар унчалик кўп эмас.

Бир курсдошим айтгувчи эди: ҳар йили мактабимиздан уч-тўрт ўқувчи олийгоҳларнинг француз тили факультетига кириб ўқийди. Мактабимизда француз тили яхши ўқитилади. Француз тили домламиз ўз фанини жуда яхши билади ва билганларини ёшларга астойдил ўргатади. Бошқа бир курсдошим мактабда таълим берган адабиёт ўқитувчисини мактаб, унинг таъсирида бутун мактаб ўқувчилари бадиий ижодга қизиқиб қолганлигини айтган эди.

Бизнинг мактабда эса рус тили муаллимимиз ўз соҳасининг билимдони эди. Ҳар йили мактабни тугатган ўқувчилардан тўрт-беш бола олий ўқув юртларининг рус тили факультетига киришга муваффақ бўларди. Биз бу аёлни «Нина опой» дердик. Фарғона томонларда ўқитувчи аёлни опой дейдилар.

Меҳнат фаолиятини 1953 йил қишлоқ мактабида бошлаган Н. Г. Евстифеева 1993 йилга қадар шу мактабда қишлоқ болаларига таълим ва тарбия берди. Дарахт бир жойда кўкаради, дейдилар. Нина опойимиз ҳам узоқ вақт ёшларга сабр, чидам, меҳр ила билим ўргатди ва меҳнатига яраша халқ орасида обрў-эътибор топди. Устоз муаллима 39 йиллик меҳнат фаолияти давомида бутун вилоятга танилди. Республика мукофотларига сазовор бўлди. «Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси» деган юксак унвон соҳиби ҳам бўлдилар. Буларнинг замирида машаққатли меҳнат, уйқусиз тунлар ётганини барчамиз биламиз. Зеро, эл-юрт эътиборини лотерея билетига ютиб бўлмайди. Қинғир йўл билан одам балки бойиб кетар, лекин эл назарига тушолмайди.

Нина опой ўзбек тили ва адабиётини яхши билар эдилар. Чехов билан Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Қодирий билан Лев Толстой ижодини қиёслаб, қизиқ-қизиқ мулоҳаза юритганларини эслайман: «Левин билан Отабекнинг ахлоқий ақидалари орасида ўхшашлик бор», «Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида «сарказм» кучли».

Гарчи миллати урис бўлса-да ўзбек тилида бир ўзбек каби сўзлаша оладиган, миллатимизнинг урф-одатларини ҳурмат қилиб, ўзбек ўқувчиларига сидқидилдан билим ўргатган, қишлоқ ҳаётининг машаққатларига чидаб, шу қишлоқни ватан деб билган Н. Евстифеевани ҳар қанча ҳурмат этсак арзийди. Шу ўринда кўнглимдан кечган бир истиҳолани айтиб ўтгим келди. Бутун умр мактабда ҳалол меҳнат қилиб, айни кунда қарилик гаштини сураётган устозларимиз кўп. Биз уларнинг ҳол-авҳолидан вақтида хабар олиб турибмизми? Улар ёлғизланиб қолмадиларми? Қулимиздан иш келиб, бир нарсани қойилматиб қўйган яхши кунларимизда бир бор эсимизга тушадими? Устоз ҳам ота-она кабидир, токи у ҳам биздан рози бўлсин.

Мустақил Узбекистонимизнинг байрамлари кўп, байрамларда айтиладиган қувноқ қўшиқлари, тотли-тотли каломлари кўп. Наврўз энг катта байрамимиз. Наврўз куни бир касбнинг бошини тутиб, роҳат-фароғатда яшашимиз учун сабабчи бўлган энг катта устозларимизни ёд олиб, шукронамизни айтиб қўйиш ҳам фарз, ҳам қарздир. Мен мактабимиз жамоаси номидан ҳамда Нина опойимизнинг қўлида таълим олган барча миннатдор шогирдлар номидан қадрли устозимизни Наврўз байрами ила чин юрақдан табриклайман.

Ҳ. БАҲОДИРОВА,
Данғара туманидаги Қ. Рўзматов номидаги мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

ТАЖРИБА АЛМАШИШ ҲАМ МАЛАКАНИ ОШИРАДИ

(Боши 1-бетда).

— Ҳа, албатта. Бу мамлакат мактабгача тарбия муассасаларининг барча тармоқларидаги ўзгариш ва янгиликлар билан батафсил танишиш режамиз бор эди.

Россия Федерацияси Таълими вазирлиги мактабгача тарбия бошқармалари раҳбарлари ва мутахассислари билан учрашувлар, мулоқотлар бўлиб ўтди. Москва таълим департаментида ҳам бизни илиқ кутиб олишди. Шунингдек, Москва шаҳридаги 1678-, Ярославлдаги 211-болалар боғчаларида, «Мактабгача болалик», илмий-методик марказида, «Дошкольное воспитание», «Обруч» журналлари таҳририятларида, ўқув қўлланмалари кўргазмаларида бўлдик.

Россияда содир бўлаётган иқтисодий қийинчиликлар мактабгача тарбия муассасаларини, биринчи галда идоралар ва ташкилотлар тасарруфидаги болалар боғчалари фаолиятини мураккаблаштириб қўйган.

— Мактабгача тарбия муассасаларини сақлаб қолиш борасида бозор иқтисоди муносабатлари шароитида ҳукумат амалга ошираётган тадбирлар тўғрисида батафсилроқ гапириб бера олмайсизми?

— Болалар боғчалари ишини яхшилаш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни бартараф этиш бўйича бир қатор ҳуқуқий -меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, чора-тадбирлар белгиланган. Шулардан бири тасарруфдаги болалар боғчаларини муниципаллаштирилганидир. Бунинг моҳияти шундаки, болалар боғчаларни эҳтиёжига сарф қилинадиган маблағнинг 40 фоизини маҳаллий бошқарув органлари, 40 фоизини корхона, 20 фоизини эса ота-оналар тўлар эканлар. Бошқа бир ҳолатда агар тасарруфдаги болалар боғчаси қарайдиган корхонада боланинг ота-онаси ишлайдиган бўлса маълум бир имтиёзга эга бўлади. Яшаш жойларидан бу таълим муассасасига келадиган болалар таъминотини эса муниципал идоралар томонидан таъминлаш кўзда тутилган.

Яна бир кенг тарқалган шакл — корхоналар ўртасида болаларнинг боғчага бориши бўйича ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишдир. Масалан, боғчаси йўқ корхона ўз ходимининг боласи тарбияланаётгани учун, мактабгача тарбия муассасаси бор корхона ҳисобига пул ўтказиши керак. Бу шакл ҳозирча унча такомиллашмаган бўлса-да Россиядаги ҳамкасбларимиз уни истиқболли деб ҳисоблашмоқда. Чунки бунда мактабгача тарбия муассасаси бюджетдан ташқари ҳам маблағ топиш имконига эга бўлади.

Албатта мактабгача тарбия муассасалари таъминотини яхшилаш бўйича шаклланган тартиблар ҳам мавжуд. Шундай шакллардан бири қандай ташкилот бўлишидан қатъи назар бюджетдан ташқари жамғармани барпо этишда иштирок этиши шартлиги масаласидир. Бунда масалан савдо ёки ишлаб чиқариш корхонаси меҳнатга ҳақ тўлаш, сотилган мол ёки кўрсатилган хизмат учун олинган даромаддан 1 ёки 1,5 фоизини шу жамғармага ўтказар экан.

— Янгича ижтимоий-иқтисодий шароитда мактабгача тарбия муассасалари қандай ишламоқдалар. Бунда Таълим вазирлигининг ўрни қандай бўлмоқда?

— Бугунги давр мамлакат мактабгача тарбия муассасаларида ҳамма учун мажбурий бўлган ўқув дастурларидан, хилма-хил, вариатив дастурларга ўтишни тақозо этмоқда. Бу дастур мактабгача тарбияни маҳаллий ва табиий шарт-шароитлар, миллий-маданий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этишга, кенг ижодкорлик билан ишни ташкил этишга асос яратмоқда. Шу асосда таълим муассасалари демократлашиб, унинг инсонпарварлик жиҳатлари ошиб бораётир. Ўқитувчи-тарбиячилар учун ўз фаолиятларини мустақил, ижодий ташкил этиб, янги педагогик технологияларни дадил амалга оширишларига шарт-шароит яратади. Биз фаолияти билан танишган таълим муассасалари бу янги жараёнлардан унумли фойдаланишаётган экан. Улардаги кўпчилик раҳбарлар менежерликни пухта ўзлаштириб олганлар. Шу асосда болалар боғчаларида яхши педагогик фаолият учун (кадрлар, моддий базани яратиш бўйича) яхши шарт-шароит яратилган. Буларнинг барчаси, янги меъёрий-ҳуқуқий базага асослангандир. Таълим вазирлигининг фаолияти эса тавсия этилган хилма-хил дастурлардан энг мақбулини танлаб олишга кўмаклашиш, тарбияланувчиларни номақбул педагогик таъсирдан сақлашдан иборат бўлиб қолган. Шу мақсадда ҳукумат даражасида жиддий экспертизалар ўтказилиб, юқори самара берадиган педагогик технологияларга «Россия Федерацияси Таълим вазирлиги томонидан тавсия этилган» деган рухсатнома бериларкан.

— Россия Федерацияси Таълим вазирлиги бошқарув бўғинларининг асосий вазифалари нималардан иборат?

— Ҳозирги даврда Таълим вазирлигининг асосий эътибори вариативлик ва хилма-хиллик шароитида мактабгача таълим тизимларида таълим-тарбия сифатини таъминлаш ва назорат қилиш, мактабгача таълим стандартларини ишлаб чиқиш, Россия бўйича бир хил таълим муҳитини яратишни таъминлаб берувчи бошқа меъёрий-ҳудудий ҳужжатларни яратишга қаратилган экан.

— Сиз бир қатор илмий-методик марказлар фаолияти устида сўз юритдингиз. Уларни ким молиялаштирмоқда?

— Мамлакатдаги барча илмий-методик марказлар, (улар Москва шаҳрининг ўзида ўндан ортиқ) хўжалик ҳисобида экан. Диққатга сазовор томони шундаки, барча методик марказлар синов-тажриба ишларини амалга оширишда қулайликлар яратиш мақсадида бевосита болалар боғчаларида жойлашган. Улар мактабгача тарбия муассасалари педагоглари билан ҳамкорликда ишлайдилар. Улар ўзлари ўтказган муаллифлик семинарлари, яратган ўқув қўлланмалари, ўз дастурлари бўйича яратган методик тавсиялари ҳисобига яшайдилар.

— Россия мактабгача тарбия муассасалари фаолиятидаги энг диққатга сазовор ишлар деб қайсиларни кўрсата оласиз?

— Россия мактабгача тарбия муассасаларида болаларнинг психологик ривожланишига, уларнинг индивидуал ва шахсий шаклланишига, ўз тенгдошлари, болалар ва катталар билан мулоқотда ўз фикри, мақсадини аниқ ва равон ифодалай олишига алоҳида эътибор берилган.

— Сиз ўз ташрифингизни самарали бўлди деб ҳисоблайсизми?

— Албатта, чунки ўз фаолиятимни такомиллаштириш бўйича ҳам кўпгина янгиликлар олдим.

Ҳали айтганимдек, ўқув дастурлари бизнинг мутахассислар томонидан таҳлил қилинмоқда. Бизнинг амалиётимизни такомиллаштиришга ёрдами тегадиган тажрибалар ҳам бор.

Мактабгача тарбия муассасаларини бошқариш, болалар билан олиб бориладиган хоҳ мусиқа, хоҳ жисмоний тарбия, хоҳ теварак-атроф билан танишиш ва бошқа соҳаларда ибрат олса арзигулик ишлар бор, биз уларни таҳлил қилмоқдамиз.

Албатта биз ҳам ўз навбатида республикамизда мактабгача тарбия соҳасини такомиллаштириш бўйича олиб бораётган ишларимиз ҳақида гапирдик, тайёрланган меъёрий ҳужжатлар билан таништирдик. Биздаги хонадон боғчаларини ташкил этилиши, боғча ёшидаги болаларни мактабга тайёрлаш дастури, болалар ўртасида амалга оширилаётган кўп босқичли спорт мусобақалари, IV босқичли ўқув дастурларимиз уларда яхши таассурот қолдирди. Айтиш мумкинки, бизнинг Россияга ташрифимиз ҳар икки томонга ҳам фойдали бўлди.

«МАЪРИФАТ» ҚЎШИҚАЛАР ҚЎРИК-ТАНЛОВИГА

ВАТАН

Асқар СУЛАЙМОНОВ шеъри, Лобар АЗИМОВА мусиқаси.



Ватан — ҳаёт берган отам, ҳам онам,
Ватан — юрагимда якка ягонам.
Аждодим мероси — Ўзбекистоним,
Авлодим қуёши — Ўзбекистоним.
Ватан боис ўзлигим қалбимиздадир,
Мартабали ўзбегим қалбимиздадир.
Довруғи дунёга кетган элатим,
Мангуга шон-шараф қучган миллатим.
Муқаддасдир, табаррукдир тупроғи,
Кўзларимга тутиё ҳар япроғи.
Ватанимга бахш этурман хизматим,
Хизматимда эрур қадр-қимматим.
Ватан — ҳаёт берган отам, ҳам онам,
Ватан — юрагимда ягонам.
Аждодим мероси — Ўзбекистоним,
Авлодим қуёши — Ўзбекистоним.

ЁШ ТЕМУРИЙЛАР МАРШИ

Т. Дадажонов шеъри ва мусиқаси



Мустақил диёрнинг эрка фарзанди,
Ҳақсевар ўзбекнинг жигари, банди.
Кўпирсин қон танда чиниқмоқ учун,
Сафга тур, сафга тур, саф бўлсин метин!

НАҚОРАТ:
Сафга тур, сафга тур, саф бўлсин метин,
Қўрқоқ ва ялқовлар қолмасин бутун,
Темур бобом руҳин шод этмоқ учун
Сафга тур, сафга тур, саф бўлсин метин!

Саховат, садоқат, метин ирода,
Боболар истаги жўш урсин танда.
Миллионлар орзуси ушалмоқ учун
Сафга тур, сафга тур, саф бўлсин метин!
НАҚОРАТ

Moziyga bir nazar

Бахриддин НАСРИДДИНОВ

«ИБН СИНО ҚАСАМЁДИ» ДЕСАК БЎЛМАЙДИМИ?

ёхуд етти рақами атрофидаги фикрлар

Тилимиз тарихи, имло маданиятимизнинг кўҳналиги ҳақида сўзлайдиган бўлсак ҳам «7» рақами билан боғлиқ асноларга кўплаб дуч келишимиз мумкин. Бизнинг тилимиз ҳам ана ўша «кабируш-шон», яъни улуғ даражаларга эга бўлиб келган етти тил қаторига кирган. Қадимда Туронзаминда, бизнинг ўз имломиз ҳам бўлган, унинг илдизлари араб имлоси Ўрта Осиёга киритилгунга қадар неча-неча асрлар аввал майдонга келиб, ҳаракатда бўлиб келган. Ҳатто, дунёдаги энг кўҳна тил ва имло ҳисобланиб келган Шумерий (овропочада Шумяр)ларнинг бу борадаги маданият тараққиётига ҳам бизнинг тилимизнинг таъсири бўлган. Биз Туронзаминдан Шумерийлар тил, имлосига кириб борган тўрт-беш сўзни аниқлашга муваффақ бўлганмиз. Мана шу сўзлардан бири «бит» атамаси бўлиб, у шумерийлар тилида уйни, турар жой масканини англатади (бу ерда сўз милоддан аввалги мингйиллик ҳақида бораётир). Ушбу «бит» сўзи бизнинг буюк аждодларимизнинг қадимий сўзларидан бири бўлмиш «битик»дан чумак урган бўлиб, кейинчалик Урусияга ҳам осурияликлар орқали кириб келган. Биз у ҳақда бундан бир неча йил аввал Тошкент давлат маданият институтида бўлиб ўтган профессор-ўқитувчиларнинг илмий-назарий конференциясида ҳам маъруза қилиб батафсилроқ сўзлаган эдик ва бугунги рус тилидаги «Бит» ва «кибитка» сўзлари ана ўша даврлардан, «битик» сўзи атамасидан ўз индаллосини олиши тўғрисида тарихий маълумотлар бергандик. Маълумки, азалдан буюк аждодларимиз ўз уйларини, турар жой масканларини ёғочдан, лой-пахсадан, гувала, хом гишт, тошлардан битиб, қуриб келганлар...

Афсуслар бўлсинки, ўз қадимий имломиз тарихи аллақачонлар узилиб қолган, унинг азалий илдизлари қуйдирилган, маҳв этилган. Бу борада «етти тажовуз» деган ибора ҳам бор, яъни оқсоч имломизга ўзгаларнинг етти маротаба тажовузи бунда ёдда тутилади, шу жумладан: аҳмонийлар, юнонлар, ҳиндлар, хитойлар, араблар, мўғуллар ва сўнггиси «оқ» ва «қизил» империёвий ҳамлаю тажовузлар... Маданий тарихий босқичларда имломизга қилинган ана ўша «етти тажовуз» натижасида «Имлои кабир»ига (яъни катта ёшли, улуғвор имлосига) эга бўлган халқимиз, миллатимиз «имлои сағир»га (яъни тўғонбошисидан узилиб айрилиб қолган етим имлога, ёхуд қадимий шумерийларнинг ўлик имлосига ўхшаш) ёзгу-имлога «меросхўр» бўлиб қолган...

Жоиз бўлса шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ислом маданияти ҳам Туронзаминда неча минг йиллар аввал одат тусига айланиб қолган «тошга сиғиниш» расм-русумидан ибрат олган. Фикримизнинг таянчи сифатида, Маккага «ҳаж» қилгани борганда Каъбатуллодаги муқаддас қора тош — «Ҳажарул асвад»нинг атрофидан етти маротаба айланишни ҳам мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Маълумки, ибтидода Туронзаминдагилар оташпарастлик диний тизимига қадар тошга ва ундан ясалган (йўнилган) рамзу тимсолларга сиғиниб, сажда қилиб келганлар. Ҳозирда ҳам ушбу одат силсила тортиб келаётганини буюк аждодларимиз, ота-оналаримиз, уруғ-аймоғларимиз қабрлари устига қўйилган тошлар олдида бош эгиб, арвоҳ хотирасига шамчироқ ёқишдан ҳам кўришимиз мумкин...

Ҳа, Ислом маданияти тарихи ҳам муқаддас «7» рақамининг ўқ илдизлари Шарқ билан боғлиқ эканини, ушбу хосиятли «етти»нинг бешиги оқсоч момои Шарқ эканлигини мана бу мисралардан ҳам яна бир бор англамоқ мумкиндир:

Шарқдир бешиги етти рақамин,
Гувоҳдир анга Расули амин...

Ҳайратомуз мўъжизотлару ажабтовур пардаНишинликларни ўзида минг йиллардан бери мужассам этиб келаётган «7» рақами ҳали ҳам не-не сир-синоатларни яшириб, сақлаб келмяпти дейсиз?! Ҳали ҳам унда қанақанги зўр кучларни ҳаракатга келтира олувчи сеҳрона қувватлар, янги давр мўжизотларини майдонга келтира олувчи янгидан-янги кашфиётлар «ҳомила» бўлиб ётмаяпти дейсиз?!

Бизнингча, ҳали «Етти сайёра»лар билан боғлиқ бўлган ғаройиб илмий-назарий «қўриқ»ларни ўзлаштириш, етти оҳанг ёрдамида янгидан-янги «Етти гўзал»ларни яратиш, етти рангнинг ишлатувида не-не янги «Нефертити» ва «Секстин мадоннаси»ни мўъжизавий матоларга туширишлар аввалда турибди. Етти дўзахни юзага келтира олувчи ер юзидаги баттол қурол-аслаҳаларни маҳв этиб, «Етти жаннат» мисол боғ-роғлар, башариятга хизмат қилувчи янгидан-янги «боғиэрам»лар бунёд этиш ҳам олдинда турибди... Аҳли дониш ва аҳли салоҳият ижодкорлигию бунёдкорлиги боис етти иқлимни покиза, ғуборсиз тутиш ва Аллоҳнинг беназир инъоми бўлган Инсон зотининг умр узунлигини хайрли, хосиятли ишларга қаратиш, сарф этиш, қолаверса, ана ўша буюк Зардўшт (Зороастр) орзу-ҳавас қилганидек 300-400 йилларга етказиш каби мураккаб ва олижаноб муаммоларни тадқиқ этиш ва ечишга ҳаракатлар, чинакам ва жиддий уринишлар даври мана энди келаётир. Истиқлолий жараёнимиз бундай хайрли интилишларга янада мовий йўллар очиб беришга асло шак-шубҳа йўқдир. Бунда Президентимиз И. А. Каримовнинг ўз ватандошларини юксак маънавий камолотга эришишга даъватию маданиятимиз тарихини мактабдан эмас, боғчадан бошлаб ўрганишимиз даркор, дегани ҳам катта аҳамият касб этади... Юртбошимиз худди шундай фикрни «Маънавият ва маърифат» Республика жамоатчилик маркази раҳбарияти ҳамда бошқаруви аъзолари билан учрашув чоғида ҳам илгари сурди:

«Халқимиз ичига, ватандошларимиз юрагига янада теранроқ кириб борайлик. Ёшларни буюк тарихимизга муҳаббат руҳида тарбиялашга ўз ҳиссамизни қўшайлик... бой тарихимиз, маданий меросимиз юртдошларимизнинг маънавий мулкига айланиши лозим. Бу иш фақат шонли саналар муносабати эмас, яъни мавсумий бўлиб қолмай, ҳар доим диққат марказимизда туриши лозим. Илгари бизга бу борадаги ишлар юзасидан кўрсатмалар берилларди. Шуни дилдан ҳис этишимиз керакки, энди марказ йўқ».

Президентимиз маънавият масалаларига маданий меросимизни чуқур ва атрофлича ўзлаштиришга ҳамда кенг таргиб этишга яқинда бўлиб ўтган Республика Олий Мажлиси сессиясида сўзлаган нутқида ҳам диққат-эътиборимизни қаратган эди. Унинг «Юксак маънавиятсиз келажак йўқ» деган пурмазмун сўзлари, айниқса, истиқлолий жараёнимизнинг ҳозирги палласида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ўта долзарблик касб этади. Миллий маънавиятимизнинг умуминсоний қадриятлар хазинасига қўшган катта ҳиссасини хаспўшлашга, ўқ илдизи қадим-қадимларга қараб кетган бой ва сержило маданий меросимизга нигелистик муносабатда бўлишликларга (шу жумладан «Евроцентризм»ча доктринага ҳам) жиддий ва адолатли зарба беради.

Боши ўтган сонларда.

ҚУТЛОВ

Ҳурматли ҳамкасбимиз Норбой САЪДУЛЛАЕВ!

Биз сизни устоз сифатида ҳамиша ҳурмат қиламиз. 45 ёшингиз ва 25 йиллик педагогик фаолиятингиз нишонланаётган ушбу вақтда Сиз муҳтарам устозга энг яхши истакларимизни изҳор этамиз.

Пайариқ тумани халқ таълими бўлими ва 44-бошланғич мактаб жамоаси.

Қадрли касбдошимиз — Сайхунобод туманидаги 11-мактаб директори Ҳурматой ҚУЛБЕКОВА!

Сизни 45 ёшга тўлишингиз муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Сизга сиҳат-саломатлик, фаолиятингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Сайхунобод туманидаги 1, 2, 26, 27, 29, 32, 33 ва 36-мактаб директорлари.

МЕТАЛЛ — ВАТАНГА

Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси давлатга металл топшириш бўйича 1997 йилга белгиланган режадаги 600 тонна ўрнига 608,8 тонна қора, 7300 кг ўрнига 7364 кг рангли металл парчаларини топширганлиги ҳақида хабар беради.

* * *

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси давлатга режадаги 520 тонна қора металл парчаларини тўлиқ, рангли металл парчалари топширишни эса 80 фоизга бажарганлиги ва март ойи охиригача тўлиқ бажарилишини таъкидлаб хабар беради.

* * *

Н. Ўринбоев номидаги Нукус педагогика билим юрти режалаштирилган 35 тонна қора металл ўрнига 36 тонна ва 150 кг ўрнига 155 кг рангли металл парчаларини топширганлигини маълум қилади.

Sog'lom avlod uchun

ОНА-БОЛАЛАР БАҲСИ

Она билан бола — гул билан лола. Халқимиз оилапарвар, болажон. Она-бола бир дарахтнинг шохларидир. Демак, улар соғлом ва бахтиёр яшаши керак. Бу эса аввало, оила муҳитининг тўкислигига, софлигига боғлиқ.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Узбекистон бўлимида олиб борилаётган ишлар мақтовга молик. Айниқса, Тошкент шаҳрида ўтказилаётган тадбирлар баркамол авлоднинг вужудга келишига хизмат қилмоқда. Жумладан, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг Маданият саройида «Ҳар доим бўлсин онам» номли кўрик-танлов эътиборга сазовор тадбирлардан бўлди. Унда пойтахт туманларидан танлаб олинган она-болалар иштирок этишди.

Кўрик танлов икки босқич ва уч турда ўтказилди. Танлов шартларига кўра, она-болалар биринчи босқичда турли саволларга жавоб тўлдиришди. Шундан сўнг оналар саҳнага таклиф этилди. Ҳар бир она суровнома жавобларига кўра, ўз фарзандини таниб олиши ва саҳнага таклиф қилиши керак эди. Танловнинг кейинги шарти эса аксинча. Ҳар бир бола ўз онасини суровнома жавобларидан таниб, уларни саҳнага таклиф этди. Қимдир дил сўзларини изҳор этди, иккинчиси шеър ўқиди ва яна бир қатнашчи қўшиқ хиргойи қилди. Болалар ўз оналарининг ҳислатларини ҳикоя қилиб беришди. Кейинги ҳолатларда эса иштирокчилар ўз маънавиятига хос чиқишлар қилишди.

Ҳаяжонга бой бўлган баҳслар давомида «Муаммо» деб номланган психологик ечим топилди. Қатнашчилар жумбоқли сўзлардан иборат воқеа тафсилотини изоҳладилар. Оналар ўз фарзандларининг қобилиятини намоён этувчи реферат ҳимоя қилишди. Сўнгги шарт бўйича кўрик-танловнинг катта ва кичик аъзолари уй вазифасини бажаришди.

Мураккаб йўналишда ўтган кўрик-танлов иштирокчиларининг чиқишларини баҳолаш ҳакамлар ҳайъатига ҳам осон бўлмади. Танлов якунларига кўра, Мирзо Улуғбек туманидаги 103-мактабнинг математика ўқитувчиси Рита Шумилова ва унинг ўғли 5-синф ўқувчиси Марк Шумиловлар биринчи ўринни эгаллашди. Кўрик-танлов ғолиблари «Соғлом авлод учун» жамғармаси қошидаги матбуот ва реклама хизмати, «Авлод» маркази ҳамда «Оилабитек» фирмаси томонидан муносиб тақдирландилар.

Дония ЗОКИРОВА, жамоатчи мухбиримиз.

СУРАТДА: кўрик-танловдан лавҳа.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Xullas...

КЕЧИККАН ШИКОЯТ

Бундан 5-6 йил бурун оммавий ахборот нашрларини ғаройиб шов-шувли хабар босиб кетганди. Уша мишмишларга қараганда, Кавказорти тоғларининг қуюқ урмонларидан бирида уч-тўрт еввойи сифат одамлар топилган. Ҳатто, инсонлар тилини буткул унутиб юборишига андак қолган бу нусхалар ўша машъум 37-йиллари Сталин қатоғонидан қўрқиб, Краснодар ўлкасидан жуфтакни ростлаб қолишган экан...

Фалакнинг гардишини қарангки, ўтган йили Сибирнинг қуюқ тайгаларидан бирида геологлар яна тўрт биродаримизни учратиб қолишибди. Сибирнинг майда миллатларидан бирига мансуб бу тўртовлон 1945 йили Сталин бобони излаб йўлга чиқишган экан. Бироқ мўъжизани қарангки, улар инсоний тилда ҳамон бийронгина сўзлашарканлар... Газетчиларнинг ёзишларича, бу азаматлар юзма-юз келишлари биланоқ геологларнинг ёқасига ёпишиб, тезда Сталин бобо ҳузурига олиб боришларини, унга ўзларининг маҳалла оқсоқоли устидан шикоят қилмоқчи эканликларини айтишган...

«УЙИНГИЗДА СУВАРАК ЎПМИ?»

Агар чиндан-да кўп бўлса, ҳудонинг бечора золим бу ҳашаротларидан қутилиш имконини тополмай юрган бўлсангиз, марҳамат, австралиялик олимларга мурожаат этинг. Чунки бу ерлик мутахассислар қулинг ўргулсин кашфиёт яратдилар. Бу — доира шаклидаги электрон қопқондир. Уни суваракла кўп йиғиладиган жойга қўйиб, ичига ҳўрак солинади. Очофат суваракла ҳўрак илинжида югурганларида албатта, орқалари билан пружинали контактга тегиб кетишади ва натижада электр занжири ҳосил бўлиб, ўша заҳотиёқ уларни 8,5 миллиампер қувватли ток уради. Кўриб турибсизки, тез орада ёвдан қутиласиз.

БУЛҒОРЛАР ЮРТИ — ИЛҒОРЛАР ЮРТИ

Ҳа, барчамизга маълум ва машҳур мамлакат Булгория антиқа қобилиятли одамлар бобида илғорликни қўлдан бермаяпти. Шу ажойиб ўлкада яшаб, бутун дунёни ўз кароматлари билан лол қолдирган Ванга момо яқинда қазо қилганидан хабарингиз бор. Бироқ, Ванга момонинг тупроғи совимасдан туриб, мана, яна биттаси пайдо бўлибди: Рамадан Замудов! Рамадани тушмагур ўн уч мингдан ортиқ юртдошларининг исми шарифи, ёши, қизиқиши, қилиқларини айтиб бера олади. Керак бўлса, бу зот қишлоғидаги ёшларнинг авлод-аждодлари ҳақида бемалол мароқли ҳикоя қилиб бера олади. Зерикмай қулоқ солсангиз бас...

ana shunaqa gaplar

Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасининг халқ таълими Бош бошқармаси, Тошкент шаҳар маориф ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси, Акмал Икромов тумани халқ таълими бўлими тумандаги 455-бошланғич таълим-тарбия маркази раҳбари

Сурайё МАННОНОВА

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 455-бошланғич таълим-тарбия маркази ходимлари марказ раҳбари

Сурайё МАННОНОВА

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ma'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар:Олимжон ҲАЙИТ, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0159.Тиражи 50.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6